

Табиблар подшоҳи



11:03 / 01 март 2029

Олим ва мусулмон табиб, тиб ва фалсафада машҳур бўлган ва ушбу соҳаларда машғул бўлган Ибн Сино. «**Шайхур-Раис**» («**Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи**») деб танилган. Фарбликлар у зотни «**Табиблар подшоҳи**» дея номлаган.

Абу Али ибн Синонинг машҳур сўзларидан:

- Семиришдан сақланинглари. Касаллик ва иллатларни жуда кўпи, таомда ҳаддан ошиш сабабидан вужудга келади.
- Ваҳима, хавотир касалликнинг ярмидир. Хотиржамлик давонинг ярмидир. Сабр эса шифо сари илк қадамлардир.
- Кунда бир марта таом тайёрланг. Овқат ҳазм бўлиб улгурмасидан олдин яна овқат ейишдан сақланинг.
- Дорилар истеъмоли вақтида овқатланмай тулинг.
- Оғриқларни камайтириш сабаблари: кўпроқ пиёда юриш, ўзига ёққан машғулот билан банд бўлиш, шуғулланиш.

Изоҳ: Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 (160) таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси таботатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, тиббиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган. Ибн Синонинг тиббиёт

соҳасидаги асарларидан «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тиб қонунлари»), «Китоб ул-қуланж» («Ичак санчиқлари»), «Китоб ун-набз» («Томир кўриш ҳақида китоб»), «Фуж ул-тиббийа жориа фи мажлисиҳ» («Тиб ҳақида ҳикматли сўзлар»), «Тадбир ул-манзил» («Турар жойнинг тузилиши»), «Фил-ҳиндубо» («Сачратқи ўсимлиги ҳақида»), «Рисола фи-дастур ит-тиббий» («Тиббий кўрсатмалар ҳақида») каби асарлари мавжуд. Унинг тиббиётга оид қомусий асари «Китоб ал-қонун фит-тибб» беш мустақил катта асардан таркиб топган: уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил, ҳар томонлама ёритиб беради.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.